

1 августдан
нималар
ўзгаради?

Ижронинг
пучмоқ
жойи

Бозордаги
тозалик қай
аҳволда?

Емаган
сомсага
пул тўлаяпман!






Имом Бухорийнинг мангу сабоқлари 3-с.


КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 28 (664)
2019 йил
26 июль,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета  2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган  www.bong.uz  jamiyatgzt@mail.ru



Сўз эркинлигининг «жазо»си

Бугун ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинмайдиган тақик, мавзу қолгани йўқ. Албатта, ҳар бир инсон ўз фикрига эга, эркин фикрлаш ва фикрни оммавий билдириш барчанинг ҳуқуқига киради. Бироқ шундай нозик пардалар ҳам борки, ҳар ким истаганича фикр билдира олмайди.

6-с.

Эзгу орзулар рўёби

Мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йилнинг 8 июль куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарор халқимизнинг қалбидаги эзгу орзу-умидларга қанот бахш этган ҳужжат бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Чунки юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, асосий мақсади тинчлик-осойишталик бўлган мард, олийжаноб халқимиз шу дориламон кунларга шукроналар айтиб, тинчликнинг боқий бўлиши ва фарзандлар бахту камолни кўришда қўлидан келган барча ишларни амалга оширишга тайёр туриши, ҳеч кимга сир эмас.

Халқимизда «Кенгашли тўй тарқамас» деган аjoyиб мақол бор. Таъбир

жоиз бўлса, тарихий ҳужжат ҳам энг улуғ, энг азиз айёмимиз бўлмиш мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллик тўйи арафасида ўтказилган бир кенгашдек гап. Зеро, бу қутлуғ санани ўз моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мазкур тарихий ҳужжатнинг бош мақсадидир.

Бу йилги барча байрамолди тadbирларнинг «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғоя остида ўтказилиши замирида меҳнаткаш ва болажон халқимизнинг энг асосий орзу-истаклари ўз тугилиб, униб-ўсган она юртининг мангу тинч, омон бўлишини таъминлашдан иборат эканини англаймиз. Шундай экан, Ўзбекистоннинг



нонини еб, сувини ичиб юрган ҳар бир фарзанд бу шioriни қалбининг туб-тубига синдириб олмоғи ва эл-юрт тинчлиги йўлида қўлидан келган барча ишларни амалга оширомоғи лозим. Бу шiori гўёки, ҳар бир ўзбек фарзанди азиз онасига нисбатан меҳр билан айтadиган: «Меҳрибон онажоним, бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!» деган эзгу тилак билан ҳамоҳангдир.

Қарорда юртимиз ривожидида асосий ишни бажарётган муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, жойларда аҳоли «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари асосида ўз шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштиришга жон дилидан киришиб, бу йўлда умумий ҳашарлар уюштириб, муҳандис ва қурувчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг

имкониятлардан руҳланган фермер ва тadbиркорларимиз эса ўз маблағлари ҳисобидан муҳташам бинолар бунёд этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш билан маҳалладошларининг оғирини енгил қилишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини синдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш юзасидан илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлашда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳи таркибида юртимизнинг турли вилоятларида бўлганимизда бунга гувоҳ бўлдик.

Давоми 2-саҳифада ►►

ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!

23 июль. Президентимиз «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарорни имзолади.



◀ Бошланиши 1-саҳифада

Май-июнь ойларига Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан «Ёшлар — келажакимиз», «Бешта муҳим ташаббус — эртамиз эгалари истиқболи йўлида» номи тадбирларни ўтказиш мақсадида, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида бўлди. Бойсунлик ота-бола тадбиркор — Файзулла ва Суннатилло Мусулмоновлар давлат-шерикичилиги асосида 150 ўринли янги мактабгача таълим муассасаси бунёд этиб, фойдаланишга тоширишгани, энг муҳими, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун яна 50 ўрин қўшиб қурганини кўриб, бу дарёдил инсонлар саховатидан кўнглимиз кўтарилиб, юртимизда ана шундай саховат-пеша инсонлар кўпайишини ниёт қилган эдик. Андижон вилоятида бўлганимизда, бу табаррук замин фарзандлари ҳам эзгулик уругини сочишда сурхондарёликлардан қолишмаслигининг гувоҳи бўлдик.

Халқ орасида «Ҳожи бобо» номи билан машҳур шаҳрихонлик уста тадбиркор — Расул ака Давлатов эскириб, кўримсиз бўлиб қолган «Мингчинор» болалар дам олиш оромгоҳини қисқа вақт ичида қайта таъмирлаш билан бирга ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида 100 ўринли янги кўркам ва шинам ётоқхоналар қуриб битказибди. Жонқуяр тадбиркор, шунингдек, оромгоҳ ёнида 200 ўринли янги болалар боғчаси биносини 3-4 ой ичида қуриб битказибди. Бинонинг кенг, ёруғ ва кўркамлигидан кўзлар

кувнайд.

Шаҳрихонлик ёшлар етакчиси Ойбек Жабборов эса ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида таҳсинга лойиқ эзгу ишни амалга оширибди. У интернет тармоғида 65 минг электрон китобни бир жойга жамлаган электрон кутубхона ташкил этиб, кутубхона штрих коди туширилган баннерлар тайёрлаб, туманнинг энг гавжум 10 та ҳудудига осиб қўйибди. Баннерда акс этган

қури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини бераётганини кўрсатаётганидан қувонмайисми, азиз юртдошим!?

Олтинсой туманидаги тарғибот тадбирларидан бирида ёши етмишдан ошган Уғилой момо «Болам, баракка топгур Президентимиз элим-юртим деб, бир қарасак, қайсидир хорижий давлат раҳбари билан, бир қарасак,

мамлакатимизнинг қайсидир қоша вакили билан, яна бир қарасак чекка вилоятимиздаги фермер ё тадбиркорлар билан учрашиб юрган бўлади. Ахир, у киши ҳам инсон, кунига бир-икки соат ухлаб, дам олармикан-а?», деб сўраб қолди.

Дарҳақиқат, онахоннинг гапида жон бор. Юртбошимизнинг Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида эртаю-кеч тиним билмай елиб-югури-шгани ҳаммамиз яхши биламиз. Онахоннинг бу гапи ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўтган ва ўтаётган саволдир. Давлат раҳбарини, элу юрт деб шунчалик селиб-югураётган экан, Ўзбекистоннинг нонини еб, сувини ичиб юрган оддий фуқаро учун шу инсонга камарбаста бўлиш — ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?..

Ўтказилаётган байрам олди тадбирларини ташкил этишда, қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам халқимизнинг «Дўст ачитиб айтади» деган мақолига мос келади.

Ҳайбаракаллачилик қилиб, эришилган ютуқларни баландпарвозлик билан айтиб, йўл қўйилган камчиликлардан кўз юмиш

келусида бу нуқсон ва камчиликларнинг янада кенгроқ илдиз отиб, тараққиётимиз йўлига ғов бўлиши турган гап.

Қарорда таъкидлаганидек, халқимизнинг улуг айёми арафасида юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаллас Ватан!» республика танловининг якуний босқичи ўтказилиши ҳам Ватан ҳақида янги, «оҳори тўқилмаган» кўшиқ ва куйларнинг яратилишида, янги истеъодларнинг кашф этилишида муҳим аҳамият касб этади. «Энг улуг, энг азиз», «Ранглар жилосида — она диёр», «Ватан учун яшайлик!» каби кўриқ-танловларнинг холисона ва юқори даражада ўтказилиши ҳам бу соҳада ижод қилиб келаётган дўстларимизни янада руҳлантириши, янги асарлар яратишга чорлаши табиий. Бу эса байрам дастурининг янада жозибали ва ранг-баранг бўлиши ҳамда янги истеъодларнинг кашф этилиши имконини беради.

Қўриб турганимиздек, қарорда барча имкониятлар берилган. Энди асосий ва-зифа унга силқидилдан ва виждонан ёндашиб, энг улуг, энг азиз айёмимизни муносиб тарзда ўтказиб, халқаро ҳамжамият олдида халқимиз юзини ёруғ қилишдан иборат. Бу эзгу ишда барча ижодкор дўстларимизга омал тилаб, азиз ва жонажон халқимизни улуг Истиқлолимизнинг яқинлашиб қолган қутлуғ йиғирма саккиз йиллик байрами билан қўзғатив ва самимий муборакбизгани!


Зирилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси

Эзгу орзулар рўёби

Ўтказилаётган байрам олди тадбирларни ташкил этишда, қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам халқимизнинг «Дўст ачитиб айтади» деган мақолига мос келади.

штрих кодни ўз қўл телефонига юклаб олган киши бемалол электрон кутубхонага кириб, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг исталган асарини ўқиш имкониятига эга бўларкан. Энди гина 34 баҳорни қаршилаган Ойбекжоннинг бу эзгу ташаббусидан Республикаимиздаги бошқа ёшлар етакчилар ҳам ўр-нак олишига умид қила-миз.

Буларнинг барчаси жамиятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар юр-тошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафак-



Жараён

Китоб билан дўстлашамиз

Ёшлигидан қалби ва шуурига китоб нури сингган бола маънан етук, мустақил фикрлайдиган бўлади. Миллий гурури юксак авлод билангина ёрқин келажак барпо этиш мумкин.

Республика маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамияти томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ҳам айни шу мақсад муҳасам. Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Фестиваль доирасида таниқли актёрлар томонидан болаларга актёрлик маҳоратидан мастер-класс ташкил этилди. Айниқса, мугасадда ташкилот раҳбарларининг болажонларга китоблар совға қилгани улар кўнглига чин маънода маърифат улаша олди.

— Болаларимизга бугун китоб ўқит-сак, эртага роҳатини кўрамиз, — дейди психолог **Жамила Шермухаммедова.** —



Бунинг учун масъулиятни барча бир-дек ҳис этиши лозим. Аввало, катталар — бобо-бувилар, ота-оналар болада мутулаага рағбат уйғотиши, намуна кўрсатиши керак. Турли эртак, ривоятлар тинглаётган, тасавури бойиётган, ажодлари кимлигини англаётган,



ўзлигини таниётган боладан ёмонлик чиқмайди. У оқ-қорани ажрата олади. Фарзандларимизга кўпроқ китоб совға қилайлик. Бирга китоб мутулаа қилсаккина, улар китобга, илму маърифатга меҳр қўяди. Уларнинг яхши яшашини, юрт қорига ярайдиган оқил инсонлар бўлишини хоҳласак, болаларимизни китобга дўст қилишимиз шарт.

Дарвоқе, Тошкент вилоятида «Маърифат» тарғиботчилар жамоси томонидан бу каби лойиҳалар сентябрь ойининг охирига қадар давом этади.


Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,
«Маърифат» тарғиботчилар жамияти матбуот хизмати ходими

24 июль. «Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони имзоланди.



Имом Бухорийнинг мангу сабоқлари

БУНДАН КЎП ЙИЛЛАР МУҚАДДАМ БОБОМ УМРА ЗИЁРАТИГА БОРИБ КЕЛДИ. УЁҚДАГИЛАРНИНГ ЮРТИМИЗ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ ҚАНДАЙ ЭКАНИНИ СЎРАДИМ, ЎШАНДА. «Э, БОЛАМ, КЎПЛАБ БОШҚА ДАВЛАТЛАР БИЗ ҲАҚИМИЗДА, ҲАТТО, БИЛИШМАСАКАН. ЧУНКИ БИЗДАН ЖУДА КАМ ОДАМ БОРАРКАН-ДА. БИЗНИ ЎРАБ ОЛГАН БИР ТАЛАЙ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ТАРЖИМОН ЙИГИТ БИЛАН ГАПЛАШГАНДАН КЕЙИН ҲАММАСИ КЕЛИБ МЕН БИЛАН КЎРИШИБ, «О, БУХАРИЙ-БУХАРИЙ» ДЕЙИШИБ, ЎЗ ТИЛИДА ЯНА НИМАЛАРНИДИР ГАПИРИБ, МЕНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА ЗИЁРАТ ҚИЛИШДИ. ТИЛМОЧ БОЛАМДАН СЎРАСАМ, «СИЗНИ ИМОМ БУХОРИЙ ДЕБ ЎЙЛАШДИ, БОБО», ДЕДИ ҚЎРМАҒУР, ҲАЗИЛЛАШИБ...» ЮҚОРИДА АЙТГАНИМДЕК, БУНГА АНЧА ЙИЛЛАР БЎЛДИ. ҚАРАНГКИ, ЮРТИМИЗНИ УЛАР БУХОРИЙ БОБОМИЗ БОРЛИГИ УЧУНГИНА БИЛГАН. РАҲМАТЛИ БОБОМ БИЛАН БЎЛГАН ЎША СУҲБАТНИ ЭСЛАБ, ҲОЗИРГИ КУНИМИЗГА ШУҚРОНА АЙТАМАН. ЧУНКИ ЭНДИ БИЗНИ БАРЧА ТАНИЙДИ. ЮРТИМИЗДА ЯРАТИЛГАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ТУФАЙЛИ ЭНДИ ҲАЖ ВА УМРА ЗИЁРАТИДАН БОШҚА ИСТАЛГАН ВАҚТДА ҲАМ МАККА ВА МАДИНАНИ ТАВОҒ ҚИЛМОҚДАМИЗ...



фотограф Орхан Дургутнинг Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида фотокўргазмасини ташкил этиши ҳам мазкур ташаббус нишонасидир. Фотограф ўз асарларида дунёнинг 60 та Ислом шаҳарларининг тарихий бино

ри, инсонпарварлиги, инсонларни бирлаштирувчи, улар ўртасида зиддият, низо-ларнинг олдини олувчи, адолат ўрнатишга қаратилган ахлоқий фикрлар ҳам кенг ўрин олган.

Уларда ҳар бир инсонни ватанпарвар, адолатли, маърифатли, маънавиятли, юксак одоб-ахлоқ соҳиби, бунёдкор, яқинларга гамхўр бўлиши тақрор ва тақрор уқтирилади. Сирасини айтганда, аллоمانинг асарлари маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир.


Майли, мавзудан чалғимайлик, Имом Бухорий. Бу ном бутун ислом дунёсида самимий меҳр-муҳаббат, катта ҳурмат-этибор билан тилга олинади. Шарқнинг турли бурчакларида бу номни эшитмаган бирор кимса, бу ном етмаган бирор жой бўлмаса керак. Муусулмон дунёсининг барча Мадраса ва дорилфунунларида Имом Бухорийнинг ўлмас асарлари қўлланма сифатида муҳим дастуруламал ҳисобланади. Давлат ва дин пешволари, жамият арбоблари, олим уламолар Имом Бухорийнинг асарларидан ҳар қадамла истифода қилиб, унга таяниб иш тутадилар.

Эсингизда бўлса, президентимизнинг «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан бир қатор вазифалар белгиланган эди. Марказ ташкил этилгандан сўнг, ўтган вақт мобайнида дунёнинг 15 дан ортиқ етакчи ислом тадқиқот марказлари, университетлари билан ҳамкорликка оид меморандумлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15 июнь кунин Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган «Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммити»да сўзлаган нутқида Осиёда ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш ва ривожлантириш, ўзаро ишонч чораларини ошириш бўйича давлатимизнинг қатор тақлиф ва ташаббусларини билдирди. Хусусан, «Динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишни тақлиф этди. Бунда Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази самарали шартформа бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини билдирди.

Мазкур ташаббус хоржий илмий-тадқиқот марказларининг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига бўлган қизиқишини янада оширди ва улар томонидан ҳамкорликка оид қатор тақлифлар билдирилмоқда.

Бундан руҳланган туркиялик таниқли



ва муқаддас қадамжоларини акс эттирган. Эътиборли жиҳати, фотограф Имом Бухорий илмий сафарларда бўлган Макка, Мадина, Басра, Куфа, Бағдод, Дамашқ, Қайсария, Асқалон ва Эъзоб шаҳарларида бўлиб, у ердаги машҳур Ислом маданий меросларини ўз ижодида акс эттирган. Шунингдек, юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Термиз шаҳарларида жойлашган муқаддас қадимжолар ва зиёратгоҳлар, хусусан, Имом Бухорий ёлғорлик мажмуаси, Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда, Ичан Қала, Ҳаким ат-Термизий, Хаси Имом, Кўҳна Арк каби машҳур тарихий обидалар ва мақбаралар ҳам ўрин олган.

Мазкур халқаро фотокўргазма Имом Бухорий таваллуд топган ой (810 йил 20 июль) муносабати билан ташкил этилгани боис муҳаллиснинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарининг қўлёзма нусхалари ҳам кўргазма доирасида халқимиз эътиборига ҳавола этилмоқда. «Саҳиҳ ул-Бухорий асарининг қўлёзма нусхалари» ва «Дунё Ислом шаҳарлари» номи халқаро фотокўргазма 19 августта қалар давом этади.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳул Бухорий», «Ал-алаб ал-муфрал» каби шоҳ асарларини ўрганиб, ундан тўғри хулоса чиқариш, ҳар бир киши учун катта фойда келтиради. Алломанинг асарларида илоҳиёт, диний масалалар билан бирга ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналар

Барчамизга маълумки, Имом Бухорийнинг шоҳ асари бўлмиш «Саҳиҳ ул-Бухорий» китоби бутун ислом оламида Куръони Каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида тан олинган.

Халқаро фотокўргазманинг очилиш маросими дастурига ўндан ортиқ профессор-олимлар ва тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари ва ёш олимларнинг маърузалари киритилди. Тадбир доирасида ўтказилган давра суҳбатида соҳани янада ривожлантириш учун илмий-тадқиқот марказлари ва соҳага тегишли мутасаддиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифлари эшитилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 11 январидан Самарқанд вилоятига таширифи давомида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхонасидаги ноид асарлар мазмун-моҳиятини тўлиқ ўрганиш ҳамда халқимизга етказиш мақсадида уларни саралаш, босқичма-босқич таржима қилиш вазифаси берилган эди.

Мазкур топшириққа асосан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Доримий, Абу Лайс Самарқандий, Абул Барокот Насафий каби буюк алломаларимизнинг 21 та асарини таржима қилиш бўйича Республикадаги етакчи исломшунос ва шарқшунос олимлар ҳамда марказ илмий ходимларидан

иборат таржимонлар гуруҳи тузилди. Улар томонидан бутунга қадар Имом Бухорийнинг «Холқу афъали-л-ибод», «Сулосиётул Бухорий», «Биррул волдайн», «Ат-тарих ас-сағир» китоблари, Абул Мунтаҳо Мағнисовийнинг «Шарҳул-Фикҳил Акбар», Алоуддин Косонийнинг «Эътиқод ал-Косоний» асарлари, шунингдек, «Тасоъид ҳиддат зоҳират ал-Исламафобия фий Аврубо» (Европада исломафобиянинг жалаллашуви) ва «Истиротийжийту даъиш фий истиқоб ва тажид аш-шабаб» (Ишиднинг ёшларни ўзига жалб қилишга доир стратегияси) китоблари таржима қилиниб, ҳозирда таҳрир ишлари якунига етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 25 мартда Имом Бухорий илмий меросини тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилги баёни билан «Имом Бухорий илмий меросини тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бўйича» «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Унда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан 2018 йилда буюк алломаларимиз меросига бағишлаб тайёрланган 16 номдаги китоб ва рисола («Имом Бухорий таърифи», Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхона фондида сақланаётган «Қўлёзмалар каталоги», «Имом Бухорий мажмуаси китоб-альбоми», «Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси», «Самарқандлик алломалар», Абдуллоҳ ибн Муборакнинг «Муснал» асари, Жалолиддин Суётининг «Лубобул ҳалис», «Алоуддин Усманлий Самарқандий (Ўсмаот Ота) ҳаёти ва илмий мероси», «Исмоил Саффор Бухорий ҳаёти ва илмий мероси», «Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар», «Имом Бухорий ҳаёти», «Иштихоний алломалар», «Абу Бакр Розий» «Тухфатул мулк», «Абу Мутиъ Макхул Насафий», «Имом Бухорий муҳаллислар султони», «Ҳақиқат ниқобидаги ёлгон», «Одоблар дурдонаси», «ИШИДнинг ботил даъволари ва уларга раддиялар» «Ҳақиқат ниқобидаги ёлгон», «Талабалар истаги» китобларини нашр этиш вазифаси белгиланган эди. Бутунги кунда мазкур китоб ва рисолалар тўлиқ таҳрирдан чиқарилиб, уларнинг ўзбек, араб, инглиз ва рус тилида аннотациялари тайёрланиб, яқин кунларда нашр этилади ва кенг китобхоналар оmmasига тақдим этилади.

Бундан ташқари, Имом Бухорий асарлари асосида турли ёшдаги китобхонларга мўлжалланган бир қатор оммабоп рисолалар тайёрланиб, нашр этиш арафасида турибди. «Болалар одоби», «Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги бурчи», «Фарзанднинг ота-она олдидagi бурчи», «Ота-онанинг розилиги ва уларга яхшилик қилиш» рисолалари шулар жумласидан.

Мақтаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Касб ўрганишининг фазилати», «Имом Бухорийнинг ёшлиги», «Илм олиш одоби», «Одоблар дурдонаси», «Одобнинг офтобинг» каби рисолалар ҳам муҳаллиснинг асарлари асосида тайёрланди.

Ҳозирда илмий ходимлар томонидан «Жаҳолатга қарши маърифат» гоёси остида олий таълим муассасалари талабалари учун юртимиздан етишиб чиққан алломалар илмий мероси асосида бузғунчи оқимларнинг сохта даъволарига раддия тарзида «Жаҳолат нима?», «Ботил ақидалар», «Исломофобия», «Фарб маданияти», «Ахлоқсизлик — таназзул» каби мавзуларда рисолалар тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири



Германиянинг биринчи телеканали Ўзбекистон ҳақида фильм намойиш этди.

1 августдан нималар ўзгаради?



Республикамызда ҳар ойнинг бошидан бошлаб ижтимоий, маданий, сиёсий, таълим ёки бошқа турли соҳаларда ўзгаришлар ва янги-ланишлар кузатилади. Хўш, август ойидан қайси соҳаларда қандай ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда?

Фуқаролардан айрим маълумотномаларни талаб қилиш тақиқланади

Давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бериладиган пенсия дафтarchалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилгани тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг ушлаб қолинган

суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқланади.

Ушбу ҳужжатларни давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар давлат солиқ хизмати органлари, АТБ «Халқ банки», бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали мустақил равишда сўрайди ва олади.

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ошади

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилади.

2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 223 000 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 436 150 сўм;

болаликлан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 436 150 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм этиб белгиланади.

Шунингдек, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоиздан 75 фоизга оширилади;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фойзалар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болаликлан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдоридан кўшимча тўлов жорий қилинади.

Солиқ тўловчилар сафи кенгаймоқда

Ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин.

Календарь йили давомида хизматларни реализация қилишдан олган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.



Айрим педагогларнинг иш ҳақи кўтарилади

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарув ходимлари лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентларини бир ярим баравар миқдорда кўланади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан вазирлик марказий аппаратининг:

— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақи — 30 фоиз;

— фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига ё хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақи — 35 фоиз устамалар белгиланади.

Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари ойлик лавозим маошига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимда хизмат қилган умумий иш стажини учун 3 йилдан 5 йилгача — 10 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача — 20 фоиз, 10 йилдан 20 йилгача — 30 фоиз, 20 йилдан ортқ — 40 фоиз ойлик устамалар тўланади.

Баҳоловчилар тоифаланиши кутиляпти

Баҳоловчиларнинг малака даражаси ва баҳолаш фойдалиги соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотларидаги аъзолигидан келиб чиққан ҳолда тоифаланади.

Тоифалаш натижаларини Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳолашчилар жамиятининг веб-сайтларида эълон қилинади.



Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига кўшимча кафолатлар

Олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун телекоммуникация инфратузилмасини яратишни таъминлаган телекоммуникация операторлари ва провайдерларига (мобил алоқа операторларидан ташқари) 10 йил давомида куйилдиғилар кафолатланади:

— уларнинг хизматларидан олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари фойдаланиши;

— «Ўзбектелеком» АК томонидан

Интернет тармоғига кириш хизмати улашиш жойидан қатъий назар ягона тариф бўйича тақдим этилиши;

— олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан мазкур ташкилотларга, шунингдек, ушбу ҳудуддаги аҳоли ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган телекоммуникация воситаларини ўрнатиш учун майдонлар ҳамда инфратузилмаларни берадасосда тақдим этиши.

Шунингдек, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинмаган база олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини яратишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади.

Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.



Бозордаги тозаллик қай аҳволда?

Худудларда санитария-эпидемиологик ҳолатларни барқарор сақлаш ҳамisha долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги бу борада энг муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Шунингдек, умумий овақтланиш масканларида таом тайёрлаш жараёнида санитария меъёрларига амал қилиш, кўчаларда чиқиндилар учун махсус жойлар бўлиши, бозорларда сотувчиларнинг ҳам мавжуд талабларга риоя қилиши санитария ҳолатини сақлашда асосий омиллардан ҳисобланади.

Бунинг учун худудларда фаолият юритаётган давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари етарлича назорат олиб бориши ва санитария ҳолатини барқарор сақлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозим.

Хўш, бу борада Каттакўрғон туманида ҳолат қандай? Туман ДСЭНМ функционал вазифаларини кўнгилдагидек бажаряптими? Умуман, тумандаги санитария ҳолати қониқарлими?

Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида туман худудидаги кўчалар, умумий овақтланиш масканлари ва бозорларни айландик.

Тўғриси, тумандаги антисанитар ҳолатларни кўриб, бу борада тегишли ташкилотлар томонидан умуман назорат йўқлиги, айниқса туман ДСЭНМ зарур чора-тадбирларни олиб бормаётгани ва ўзининг функционал вазифаларини бажармаётганига гувоҳ бўлдик. Акс ҳолда туманда санитария ҳолати бу каби аянчли ҳолатга келиб қолмасди.

Хусусан, бозор ва унинг атрофидаги умумий овақтланиш масканларини олайлик. Турли таомлар тайёрлангани ва хўрандалар учун ажратилган жойлар умуман санитария талабларига жавоб бермайди.

Бозорларда сотилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан ҳам шундай салбий ҳолатни кузатиш мумкин. Шундоққина ерга қўйилиб, савдо қилинаётган маҳсулотларнинг бирортасида лаборатория текширув хулосаси йўқ. Аслида, бу маҳсулотлар танлаб олинган ҳолда махсус текширувдан ўтгандан кейин савдога қўйилиши керак. Афсуски, туманда бу каби тартиб ва меъёрларга ҳеч ким амал қилмаяпти. Масъул ташкилотлар мутасаддилари эса уйқуда.

Маълумки, ушбу маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашни Соғлиқни

сақлаш, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Ветеринария, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Айни пишиқчилик палласида бу масалага янада жиддий эътибор бериш талаб этилади. Сабаби, ҳозир мевалар, полиз экинлари пишиб етилган палла. Бозорларда бу маҳсулотларнинг савдоси янада авжга чиққан. Қовун-тарвуз савдосини ёз кунларида бозорлардан ташқари, ҳар қадамда учратишимиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Тўғриси, тумандаги антисанитар ҳолатларни кўриб, бу борада тегишли ташкилотлар томонидан умуман назорат йўқлиги, айниқса туман ДСЭНМ зарур чора-тадбирларни олиб бормаётгани ва ўзининг функционал вазифаларини бажармаётганига гувоҳ бўлдик. Акс ҳолда туманда санитария ҳолати бу каби аянчли ҳолатга келиб қолмасди.

тасдиқлаш тўғрисида»ги 532-сонли қарорига мувофиқ бозорлар, савдо ташкилотлари ва бошқа савдо объектларида полиз маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ҳамда реализация қилиш учун ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари томонидан таҳлиллар ўтказилиб, хулоса берилди.

Шунга кўра, ҳозирда деҳқон

бозорлари худудидида сотилаётган полиз маҳсулотлари хавфсизлик кўрсаткичларига текшириш ва реализация қилишга рухсат берувчи маълумотнома ёзиб бериш ваколати фақат Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги деҳқон бозорлари қoшида жойлашган ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари (ВСЭЛ) томонидан амалга оширилмоқда.


Ушбу лабораторияларда таҳлиллар ўтказилмаса ёки таҳлил натижалари меъёрларга жавоб бермаса, қишлоқ ҳўжалиги, жумладан, полиз маҳсулотларини бозорлар, савдо шохобчаларига олиб кириш ва сотиш қатъий тақиқланади.

Бозорлардан ташқари худудларда полиз маҳсулотларини сотиш фақат маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган дислокация бўйича ажратилган жойларда амалга оширилиши ҳамда худудий ВСЭЛ маълумотномаси билан сотилиши лозим.

Шундай экан, туман ветеринария бўлими мутасаддилари нега бу

Афсуски, ҳақиқатдан ҳам ҳамма жойда тартиб ўрнатилган, дея олмаймиз. Гоҳида сотувчилар томонидан, гоҳида ветеринар ходимларимиз томонидан масъулиятсизликларга йўл қўйилиб, текширувдан ўтказилмаган маҳсулотлар сотилмоқда. Бу борада имкон қадар йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилияпти.

Пайшанба шаҳарчасидаги бир қатор қовун-тарвуз савдоси билан шугулланаётган «тадбиркор»ларнинг бирортаси ўзлари сотаётган маҳсулотнинг сифати тўғрисида маълумотга эга эмас. Ўзини Матлуба деб таништирган сотувчи қовун-тарвузлар ветеринар лаборатория кўригидан ўтганими, деган саволимизга ҳайратона



нигоҳ ташлади. Унинг айтишича, сотаётган маҳсулотини бирор киши текширувдан ўтказиш тўғрисида огоҳлантирмаган экан.

Яна тумандаги умумий антисанитария ҳолати масаласига қайталган бўлсак, бу борада масъул бўлган туман Давлат санитария-эпидемиология маркази ўзи нима иш билан шугулланмоқда деган савол туғилади.

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида туман ДСЭНМ бош шифокори Убайдилло Сағдуллаев билан суҳбатлашдик ва мутасаддига тегишли саволлар билан мурожаат қилдик. Бозорлар ва умумий овақтланиш масканларидаги антисанитар ҳолатлар юзасидан саволлар бердик. Тўғриси, берилган жавоб бизни янада ажаблантирди.

«Президентимиз «икки йил тадбиркорлар фаолиятига аралашманлар» деган.

Бозорлар ва умумий овақтланиш масканларида охириги икки йилда умуман текшириш олиб борганимиз йўқ», — дейди масъул раҳбар.

Қўйил, жавобни ва савияни қаранг. Ахир, Президентимиз «икки йил тадбиркорлик фаолиятига аралашманлар» деган бўлса, иқтисодий ҳолат, аудит ва тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган ортиқча бошқа сунъий текширувларни назарда тутган. Буткул ботқоққа ботиб, антисанитар ҳолатда аҳолига хийлат кўрсатса ҳам жим томошабин бўлиб тур, демаганку!

ДСЭНМ бош шифокорининг кулгули вагини, минг афсуски, у бизга берган маълумотлар ҳам тасдиқлаб турарди. Туманда бозорлар ва умумий

овақтланиш масканларида 2018 йил ва жорий йилнинг шу даврига қадар умуман санитария назорати ва текшируви олиб борилмаган.

Хўш, унда бу ташкилот нима иш билан шугулланади? Туман ДСЭНМ бош шифокори Убайдилло Сағдуллаевни таъкидлашчи, бу ташкилот эмлаш жараёнини ташкил этар ва қуриллишларга хулосалар берар экан.

Ўрганиш давомида маълум бўлдики, туманда санитар аҳвол қониқарли даражада эмас. Масъул ташкилотлар бу борада ўзларига белгиланган вазифаларни умуман бажармаяпти. Бу эса турли юқумли касалликлар билан боғлиқ оғир ҳолатларни келтириб чиқариш хавфини ортиради. Зеро, «кўза кунда эмас, кунда синади». Буни туман Санитария ва эпидемиология назорат марказидаги масъул мутасаддилар унутган кўринали.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
журналист



Индонезиянинг Trans Asia Resources компанияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи билан биргаликда 2020 йили Афғонистонга миллион тоннага яқин нефть маҳсулотларини етказиб беришни режалаштирмоқда.



Бунга сабаб жамиятимизда тобора ривожланиб бораётган агрессия аломатлари деб ўйлайман. Эътибор берганмисиз, оддий бир ишни битириш учун муомала билан ёндашув ўрнига, кескин талаб ёки шарт қўямиз. Йўлда ҳайдовчилар бир-бирига жahl қилади, пиёданнинг, ҳатто, йўлакдан секинроқ ўтиши ҳам айримларнинг жиғига тегади ва уни устидан босиб ўтишдан тоймайдилар. Дўконлар, ошхона ва коммунал тўловлар учун навбатда турган одамлар ўртасида у ёки бу арзимас сабаб катта жанжал чиқади...

Хўш, нега бундай?

Кузатувларим шуни кўрсатмоқдаки, бугун жамиятда бир-биримизга нисбатан агрессия кайфияти ҳукмронлик қилмоқда. Булар нимада намён бўлмоқда? Ҳолатнинг замирида баъзи омиллар ётибдики, уларни ўрганиш лозим. Биз бир-биримиздан норозимиз, қўшнимиздан, жигарларимиздан, яна базилар жамиятдан норози. Бундай фуқаролар онгида жамият унга нисбатан адолатсизлик қилаётгандек туюлмоқда. Яъни, кимдир уни қадрламаган, кимдир яхши даволашмаган, яна кимдирга яхши дарс беришмаган, кимдир эса яхши ишга олишмаган, кимдир меҳр шайдоси, хуллас, оддий қилиб айтганда «бошқалар ош еб, у қуруқ қолаётгандек».

Бу жараёнлар илгари интернет йўқ пайтда ҳам бўлган. Фақат бу ҳақда ҳамма ҳам билавермаган. Аммо ҳозирга келиб, бу каби негатив ҳолатларнинг барига одамлар оммавий гувоҳ бўлмоқда. Оддий қилиб айтсак, энди чойхонадаги ўзаро гурунлар ижтимоий тармоқларга кўчиб ўтди. Бу масала илмий ёндашувни талаб этгани боис бир нечта ҳамкасбларим билан унинг сабабларини очишга ҳаракат қилдик.

Жамиятмизнинг оғриқли нуқталари ҳақидаги муҳокамалар борган сари уларнинг ечимларини топишга эмас, янги бўлмагур муаммоларни келтириб чиқаришга асос бўлмоқда. Оқибатда эса асосий муаммолар қолиб, кимнингдир шахсиятига, оиласи, бизнеси, умуман, барчасига тош ота бошлаяпмиз...

Сўз эркинлигининг «жазо»си



Ожизона ташхисимиз шуки, бу масала кеча ёки бугун пайдо бўлмаган, бу жараён ўтган асрнинг 80 йиллари охири СССР парчаланиб, янги тузумга ўтиш жараёни бошланганидан буён акс-садо бермоқда. Лекин биз 27 йилдан буён бу масала юзасидан бирор ишни амалга ошира олганимизча йўқ. Кўпчилик учун СССР парчаланиши ва янги давлат юзага келиши оғир кечди, айниқса, ижтимоий соҳа вакилларининг даромадларига қаттиқ салбий таъсир қилди. Бозор муносабатларига ҳам тўлиқ ўта олмадик, трансформация жараёни ҳам чўзилиб кетди. Аммо ана шу ўтиш жараёни бизнинг мамлакатда қўшниларимиздан кўра анча чўзилиб кетганини ҳам тан олиш жоиз.

Илгари қатор сабабларга кўра, ижтимоий тармоқларга олиб чиқишга журъат қилинмаган мавзулар бугун оммавий муҳокама этилмоқда. Бу яхшими, ёмонми? Яхши шекилли. Чунки муҳокамалар жараёнида ушбу муаммоларнинг кескинлик даражаси пасайиши, уларнинг халқ орасида эркин муҳокама

қилиниб, муаммолар ўткирлиги олиб ташланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу жараёни барча демократик мамлакатлар бошдан ўтказган ва биз ҳам худди тумов билан оғриган бемор ўзида касалликка нисбатан иммунитет ҳосил қилиб ўтганидек соғлом, чидамли им-

« Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу жараёни барча демократик мамлакатлар бошдан ўтказган ва биз ҳам худди тумов билан оғриган бемор ўзида касалликка нисбатан иммунитет ҳосил қилиб ўтганидек соғлом, чидамли иммунитет билан ўтиб олишимиз лозим. Сўз эркинлигининг баҳоси ҳам, жазоси ҳам шу. »

мунитет билан ўтиб олишимиз лозим. Сўз эркинлигининг баҳоси ҳам, жазоси ҳам шу.

Бугун ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинмайдиган тақик, мавзу қолгани йўқ. Албатта, ҳар бир инсон ўз фикрига эга, эркин фикрлаш ва фикрни оммавий билдириш барчанинг ҳуқуқига кирди. Бироқ шундай нозик пардалар ҳам борки, ҳар ким истаганича фикр билдира олмайди. Булар шахсий ҳаётга аралашув, кимдир ҳақо-

рат қилиш, кимгадир таҳдид қилиш, кимгадир уруш эълон қилиш. Бу учун жавобгарлик ҳам бор эканини билиб олишимиз шарт. Ана шундай ҳолатлар: инсонларнинг шахсий ҳаётига даҳл қилиш, кимдир иғво қилиш, таҳқирлаш, қадр-қимматини топташ, мавзунини юзаки чайнаш, «деди-деди»ларнинг кўпайиб бориши бир пайтлар АҚШ тажрибасида «Trash War» яъни ОАВдаги «ахлатлар жанги» деб таърифланган. Демак, «ахлат урушлари» бизга ҳам етиб келибди-да?! Нимагадир ёмон нарсалар яхшиларидан кўра тезроқ етиб келади. Аммо муҳокама қилувчи инсонлар ана шундай ҳолатларни шахсан бошдан кечирмагунча жараён қурбони бўлиш қандай эканини била олмайди. Хўш, давоми нима бўлади, деб сўрашингиз мумкин. Бу кетишда маъмурий судларга янги прецедентлар пайдо бўлади.

Буни ҳам улғайтган организм оғриқлари сингари барча демократик давлатлар бошдан кечирган. Савол туғилади, биз бу шароитда нима қилишимиз керак? Назаримда, ўзимизни тута билишимиз, шахсиятга тегишмаслигимиз, шахсий ва жамиятга оид масалалар ўртасидаги фарқни ажрата билишимиз, нима бўлган тақдирда ҳам ўзаро ҳурматни, бағрикенг муносабатни сақлай билишимиз муҳим. Шунда биз бу «тумов»дан тезроқ тузаламиш ва жамиятда унга нисбатан иммунитет ҳосил қилиб, ривожланишнинг кейинги босқичига кўтарилашимиз. Муҳими, чидаш керак, тобланиш керак.

Шерзодхон ҚУДРАТХҲАЕВ

Емаган сомсага пул тўлаяпман!

Фермер хўжалигимиз ихтиёрида 21,4 гектар экин майдони мавжуд. Аммо бу фақат қоғозда. Амалда эса анча кам. Сабоби, йиллар мобайнида хўжалигимиз ер майдонлари ҳисобидан фуқароларга уй-жой қуриш ва томорқа учун ер ажратилган. Айниқса, бу 1986-2006 йиллар ораллигидаги ҳужжатларда ўз аксини топган. Қизиғи, бизнинг ихтиёримиздан кетган ана шу ерлар қоғозда ҳамон бизнинг тасарруфимизда. Бунинг устига Тошкент-Термиз автомобиль йўли ва Қоратепа сой қирроғи атрофидаги ерлар ҳам бизнинг балансимизга қўшиб қўйилган.

Шу боис ер учун тўланадиган солиқлар ҳам неча йилдан буён хўжалигимиз гарданига босилади. Бундай ортиқча харажатдан қутулишнинг эса сира имкони бўлмапти. Бу ҳақда тумандаги мутасаддиларга, тегишли ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилдик. Аммо фойдаси бўлмапти.

Ернинг янги эгалари эса эгаликни ўз номларига ўтказолмай сарсон. Масалан, улардан бири иккинчи гуруҳ ногирони Хуррам Нуралиев менга бир неча бор учрашди. Бу киши 1989 йилда ўзига ўша пайтдаги колхоз правленисининг қарори билан ажратиб берилган, ўша пайтдан буён фойдаланиб келаётган



8 сотих ер майдонини ўз номига ўтказишга, унга қонуний эгалик қилиш истагида не-не идоралар эшигида сарсон бўлмади.

Бизнинг фермер хўжалигимиз эса неча йилдирки, бундай инсонлар томонидан солиқ учун сарфланадиган сармояларга ҳам «эга чиқиб» келмоқда. Бу эса халқимиз тилида айтилганда, емаган сомсага пул тўлашдан бошқа нарса эмас. Хуллас, Уругтла қизиқ ишлар бўл-


моқда. Яхши биламиз, бугун қанчадан-қанча одамлар томорқа, уй-жой учун ер олиш истагида юришибди. Биз эса шундай мақсадларда аллақачон ихтиёримиздан олинган ерларни ҳисобимиздан чиқаролмай сарсонимиз.

Зебинисо ҚОДИРОВА,
Уругт туманидаги
«Нуралиев Суннатullo»
фермер хўжалиги раиси.



Тошкент шаҳар Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасида Олий таълим муассасаларининг ўқитувчи, мураббий ва илмий ходимларига 2019-2020 йилларда 6 та 9 қаватли арзон уйлар қурилади.

Ҳар бир оила — тадбиркор унинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамми?



Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида оддий аҳолини тадбиркор қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қўлмалли ишлар туфайли кўплаб юртдошларимизнинг ишбилармон бўлиш орзуси ушалмоқда. Айниқса, оилавий бизнес фаолиятини бошлаш истагидагилар ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга қўшимча имтиёз ва энгилликлар берилмоқда. Ҳўш, бу борада Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Аҳоли имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини қандай йўлга қўйган? Тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ҳамюртларимиз иш фаолиятида тўсиқларга учрамаётганими? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мутасадди ташкилотлар вакиллари билан қишлоқ оралидик.

мизнинг анча-мунча қарзидан қутиламиз. Иссиқхона учун берилган 25 миллион сўм кредит ҳўжайинимнинг номига расмийлаштирилган. Менга берилган 2 миллион 700 минг сўм эвазига келиним Гулсанамга тикув машинаси олдик. Мана энди ҳўжайин иссиқхонадан, келиним эса тикувчиликдан бўшамай қолди. Қарасам, бир ўзим бекорчи бўлиб қолиман: яқинда ҳўжжат тайёрлаб, банкка топширган эдим. Бу ҳам ижобий ҳал этилди. Уч-тўрт кун бўлди, 11 миллион 900 минг сўмга 1 та сигир олдик. Худо хоҳласа, бугун-эрта «огзимиз оққа етиб қолади». Оиламиздан ортган сут-қатиқни сотамиз. Уйимизга барака кирганининг ўзи шу-да.

Жорий йилда Наманган вилоятидаги жами 663 минг 791 та оиланинг 120 минг 690 тасига 924 миллиард сўмлик имтиёзли кредит бериш белгиланган. Амалда эса, 15 июнга қадар ушбу оилаларнинг 32 минг 237 та (сал кам 27 фоиз)сига 480 миллиард 56 миллион сўм (52 фоиз)лик имтиёзли кредит ажратиш белгиланган. Албатта, банклар ҳисобида ҳали яна 443

ёқди. Улар «банан кўчатлари олиб келиб ўтқазамиз», дейишди. Кейин шу мақсадда 1 миллион доллар сармоя киритишга розилик билдирди. Лекин ҳоким ерга доир тайёр ҳўжжатларни вақтида бермади. Инвестор эса, ҳуқуқий асосга эга бўлмаган жойда шартнома имзолашни қонунга зид билиб, ортга қайтиб кетди.

Комил аканинг бу гапларидан жуда таажубландик. Калаванинг учини топиш анчайин мушкул бўлишига қарамай, албатта, тадбиркорнинг бу каби муаммоларига ечим излашга ҳаракат қилишимизни айтиб, уни ишонтирдик. (Бу мавзуга яна қайтамыз.)

Излаган имкон топар

Дарвоқе, жорий йилнинг 15 июнь кунига қадар Мингбулоқ туманида дастур доирасида 2 минг 500 оилага 28 миллиард 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Агарда туман бўйича ажратилиши белгиланган маблағ 73 миллиард сўмдан иборатлиги ва бу маблағнинг яна 62 фоиз қисми ўзлаштирилмай турганини ҳисобга ол-

— Журналистлар кўп келишади, — деб гап бошлади у. — Аммо хафа бўлманг, сизлардан бирор наф кўрмадим. «Ёзамиз» дейишади-ю, ҳеч нарса ёзишмайди. Сиз ҳам ўшаларнинг бири бўлсангиз, кўнглингизга оғир олманг, мен ҳозир биров билан суҳбатлаша оладиган аҳволда эмасман.

миллиард 44 миллион сўм маблағ мавжуд. Аммо бу маблағ нари борса яна 30 минг оилага етади, холос. Ҳолбуки, яна 63 фоиз, яъни 88 минг 453 та оила вақиллари имтиёзли кредит олишга кўз тикиб турибди. Улар ҳам Давлатимиз раҳбарининг оилавий тадбиркорликни кенг қамровда қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган гамҳўрликлари туфайли мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга ҳақли. Фақатгина бунга тўғри йўналтири олиш кифоя.

«Комил туяқуш»

«Халқ банки»нинг Мингбулоқ туман бўлими ходимлари туяқуш боқишга ихтисослашган ана шундай номдаги корхонага олиб боришди. Дала бошида бизни мазкур корхона раҳбари Комил Носиров кутиб олди. Аммо унинг авзойи бузук, нимадандир хафалигини юз-кўзидан англаш қийин эмасди. Ҳорма-бор бўлдан сўнг, тадбиркорнинг дил чигалини ёзишга уриндик:

— Журналистлар кўп келишади, — деб гап бошлади у. — Аммо хафа бўлманг, сизлардан бирор наф кўрмадим. «Ёзамиз» дейишади-ю, ҳеч нарса ёзишмайди. Сиз ҳам ўшаларнинг бири бўлсангиз, кўнглингизга оғир олманг, мен ҳозир биров билан суҳбатлаша оладиган аҳволда эмасман.

Очиги, Комил акани ўзимга ишонтириш осон бўлмади.

Ўтган йили 4 та туяқуш билан фаолиятимизни бошлаган эдик. Ҳозирда улар 70 тага етди. Бу билан чекланиб қолишни истамадик. Яқинда Исроил давлатидан инвестор олиб келдим. Бу жой унга

уҳодда Мингбулоқ маблағ борасида бошқа туманларга бир оз кўмак қўлини чўзиб юборса фойдалан ҳоли бўлмади. Масалан, Чортоқ туманига. Боиси, бу туманлар учун ажратилган ресурс миқдори 4 миллиардга фарқ қилади, холос. Аммо кредит ажратилиши белгиланган оилалар сони Чортоқда Мингбулоқда оилаларнинг деярли тенг ярмига кўп. Боз устига, Чортоқ туманидаги «Халқ банки» 2 миллиард, «Агробанк» эса, 3,5 миллиард атрофида «минус»га кириб қолган. Мазкур туманда жойлашган «Соҳибкор» маҳалласида бўлганимизда бу ердаги аҳволдан кўнглимиз ёзғирди. Чунки баланд адир шароитида жойлашган маҳаллада на ичимлик суви, на оқава сув бор. Одамлар ўз эҳтиёжлари учун ишлатадиган сувни ҳам тошиб олиб келишар, махсус қудуқларга қуйдириб, заҳира қилиб олишар экан. Сув муаммо бўлган ҳудуд аҳолиси қандай қилиб тадбиркорлик билан шуғулланаётганига янада қизиқдик.

Мақтуба Қобулова «Микрокредит-банк»нинг туман бўлиmidан 13 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ястаниб ётган адир бағрида, бир томчи сув оқиб ўтмайидиган жойда қурилган 2 та 3 сотихли иссиқхона барпо этган матонатли тадбиркор аёл. Иккала иссиқхона ҳам ҳосилга лиқ тўла. Бирига серсув борднинг экилган. Унинг серҳосил меваси узиб олмоққа тайёр турибди.

— Ҳаракатда — барака, деганларидек,

тинимсиз ҳаракат, меҳнатларимиз зое кетмади, — дейди Мақтуба опа. — Мана, ҳозир рўзгоримизга барака кириб қолди. Ҳосилдан оз-оздан сотишни бошладик. Бу ер тошлоқ, сувсиз жой бўлгани учун ўғлим ўз ёнидан томчилатиб сугоралган ускуна ўрнатди. Очиги, бир цистерна сув билан биринчи ҳосилга оғзимиз етди.

Инсон орзуларига эришиш учун унинг мақсади аниқ, режаси пухта бўлса кифоя. Қийинчиликларга энгилмай, меҳнатдан қочмаган кун келиб, унинг роҳатини кўриши бор гап. Зеро, излаган имкон топар.

Ижронинг пучмоқ жойи

Чортоқдан қайтгач, томчилатиб сугоритиш тўғрисидаги ўй-хаёллар сира тинчлик бермай қўйди. Сабаби, биз мавзунини ўрганар эканмиз, вилоятнинг ҳеч бир ерида томчилатиб сугоритиш учун имтиёзли кредит ажратилганига гувоҳ бўлмадик. Ҳолбуки, дастур доирасидаги имтиёзли кредит соҳалар кесимида турларга бўлинган экан, улар орасида томчилатиб сугоритиш ҳам алоҳида ўрин олган эди.

Вилоят бўйича ажратилган имтиёзли кредитни турлар бўйича таҳлил этишни уриниб кўрдик. Маълум бўлишича, энг кўп, яъни 133 миллиард 129 миллион сўм маблағ 6 минг 442 та хонадонда иссиқхона қуриш учун ажратилган. Ундан кейин 123 миллиард 830 миллион сўм маблағ эвазига 13 минг 538 та оилага тикув машинаси олиб бериш белгиланган.

Энг оз пул, айнан, томчилатиб сугоритиш соҳасида экан. Яъни ягона ҳолатда Чуст туманидаги «Оғтулло, Амрулло, Нурулло» фермер ҳўжалигига «Агробанк»нинг туман бўлими томонидан ажратиб берилган 200 миллион сўм маблағ эвазига амалга оширилган. Биз бу бўйича янада кўпроқ маълумот олиш мақсадида Чуст туманининг Олмос қишлоғига йўл солдик. Бироқ... далалар оша қилириб борганимиз шунчаки сароб бўлиб чиқди, холос. Тўғривоғи, мазкур кредит маблағи мақсадсиз сарфлангани маълум бўлди.

Наманганнинг икки тумани кесимида жараёнларни таҳлил қилиш орқали, давлат дастури ижросида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари бироз ойдинлашди. Энг асосийси, кўпчилик ҳалигача ислохотлар моҳиятини англаб етмаяпти. Шу сабаб бунга панжа ортилган қараб, ўз манфаатини кўзлаб, иш қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» — маблағи йўқ инсон ҳам тадбиркор бўлишини таъминловчи, иқтисодий ночорликдан олиб чикувчи, оилани фаровонликка ундовчи, аҳоли бандлигини таъминловчи халқона дастур. Ундан тўғри фойдаланмаслик таназулга юз тутайди.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Ўз бандлигини ўзи таъминлаш ҳам жасорат

Мингбулоқ туманидаги «Кичик Жомашуй» маҳалласи. Маҳалла гузариди (дарвоқе, «Обод маҳалла» Давлат дастурига киритилган бу маҳаллада гузарнинг ўзи йўқ. Маҳалланинг мамырий турар жойи вақтинча тумандаги 15-умумтаълим мактабининг ҳовлисида фаолият олиб бораётган экан) гурунлашиб турган бир гуруҳ аёлларга дуч келдик. Салом-алиқдан сўнг, уларнинг имтиёзли кредитлар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдик. Суҳбат чоғида, афсуски, бу аёллардан жўяли фикр эшитмадик. Англаганимиз шу бўлдики, бу аёлларнинг барчаси ишсиз. Бирок улар банкдан имтиёзли кредит олиб, унинг фоизини ўз вақтида қайтара олмай, қарздор бўлиб қолишдан қўрқинар экан.

Аммо маҳаллада истиқомат қиладиганлар орасида оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиб, қўшимча даромад олиб кираётганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Биз маҳалла раиси Доноҳон Аҳмадуллоева ҳамроҳлигида «Наврўз» кўчасида яшовчи Солижон Жўраев хонадонига бордик. Солижон ака уйда йўқлиги боис, бизни хонадон бекаси Зулайҳо опа кутиб олди. Дарвозадан кирар-қирмас, помидор ҳосилига тўлиб турган 5 сотихли иссиқхона эътиборимизни тортди.

— Февраль ойи охириларида имтиёзли кредит ҳисобига мана шу иссиқхонани қуриб беришди, — дея гап бошлади Зулайҳо опа. — Дастлабки ҳосилнинг ҳар бир килосини 8 минг сўмдан сотдик. Ҳозир эса 4 минг сўмдан сотяпмиз. Насиб этса, шу йилнинг ўзида олган кредити-

Эълон
Худайбердиев Абборжон Абдуманнобовичга Наманган вилояти Учқўрғон тумани ИИБ томонидан берилган шахсни тасдиқловчи ҳўжжат (паспорт) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексини тасдиқланди.



Тутлар, тутзорлар, марварид тутлар, холи бор тутлар, балхи тутлар, шотутлар... Ақлимни танганимдан буён ҳаётнинг бир гўзал манзараси бўлиб тутлар хотирамдан ўрин олди. Ҳовлимиз тўридаги улкан марварид тутни «Момо тут» деб атардик. Бу тут айни илик узилди пайти оппоқ марвариддек пишар эди. Албатта, тут тагига катта сурп тўшаб қўйилар ва атрофи ёғ тушса, ялагудек тоза тутилар эди. Ниҳоятда хуштаъм тут меваларидан бир пиёла еган одам бошқа ширинликни егиси келмас эди. Ялтираб турган ям-яшил япроқлар орасидан оппоқ меваларнинг кўришиб туриши дилни яйратарди. Тут меваларидан моможоним шинни тайёрлаб, сопол кўзага солиб қўяр, айни қиш чилласида дармон дори қилиб, барчага тарқатар эди.

балалар тут хом десак ҳам тунмайди, кўзни паналаб тутга ёпишади. Қорни оғрийди, ичи кетади. Уларни уришиб бўмайди, уриб бўлмайди. Анор пўстини қайнатиб ичирамит десак қочади. Кува-қув қилиб ушлаб ичирамит, тузалади. Бир амаллаб тут пишигига етганмиз қоқиндиқларинг кетайлар. Ундан уёғига тутларни бир донасини ҳам қолдирмай, қўриқлаб, тўрваларга солиб, қиш-қировли кунларга майз қилганмиз. Сенларни замонингдан айланай, ҳамма жойда тўқчилик. Тутлар тўқчилик, ерда ёйлиб ётибди. Бундай исрофгарчилик қилманглайлар. Териб олмасанглр рози эмасман!

Катта энамнинг таъна-дашномларидан кейин оқ сурплар гилам шаклида тикилиб шотутнинг тагига алоҳида, марварид тутнинг тагига алоҳида тў-

ларни ҳар хил қилиб қўйган?

Тупроқни шўрлашдан асраб қолувчи, ернинг захини олувчи ҳам тут. У оламни атласга ўровчи ипак қуртининг асосий емиши. Аммо кейинги йилларда тут дарахтларининг кесилиб, йўқ бўлиб кетаётганидан хавотирда эдим. Мана, икки йилдирки, жойларда тут қаторлари ва тут плантацияларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пиллачилик соҳасини комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилгач, йигилиб қолган муаммолар ҳал этилмоқда. Бу борада мавжуд тутзорларни асраш билан бирга «кластер» усулига ўтиб, соҳа фидойи-

26 июль		27 июль		28 июль		29 июль		30 июль		31 июль	
	+38°C		+20°C		+38°C		+23°C		+40°C		+26°C
	+41°C		+27°C		+40°C		+26°C		+39°C		+23°C
	+38°C		+24°C								

ob-havo.uz сайтидан олинган.



Муассислар:
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экология ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Қосимов
Рустам Қосимов
Борий Алихонوف
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-714 Адади: 1403.
Жума кучи чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@gmail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи ўзростилиши шарт.
ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 14.25
1 2 3 4 5 6

Бобом эккан оқ тутлар, момом терган шотутлар

Дастурхонимизда доимо тут майизлари турар, катта энам Санобар «Хар куни ҳеч деганда ярим пиёла тут майиз еган одам касал бўлмайди» дер эди. Бировнинг бола-си боши айланиб, йиқилиб тушибди, ёки бирорта ҳамқишлоғимиз кўзи тиниб ўтириб қолибди, деб эшитса, дарҳол тут шинни ва тут майиздан бериб юборарди.

Уруш йиллари қишлоқлардаги улкан тутлар қандай қилиб одамларни очлик устидан галаба қилишига ёрдам бергани ҳам Санобар энам айтиб берган:

Катта энам қишлоқ келинларини «Сенларни қўларинг синганми? Мана шу марвариддай туслардан майиз, шинни қилмайсанлар, шотутдан шарбат тайёрламайсанлар, натижада йил бўйи силланг қуриб, оғзингдан совуқ сувинг оқиб юрасан. Шотут жонворни турган-битгани қон бўлади-ку, шунинг тайёрлаб эрларингга, болаларингга ичирмайсанлар, ялқовсанлар. Ўзларингниям қирққа кирмай, ҳайдар-ҳайдар сочинг тўкилади, тишинг тўкилади, қалдирғоч қанотидай қошинг тўкилади, ойдаи юзинг тиришиб, қийшайиб қолаберилади. Нимадан? Қувват йўғидан», деб дашномларга кўмиб ташларди.

Очлик, қаҳатчилик, одамлар тут пишигига етувчи ранглари сарғайиблар кетди. Тезроқ пишса-ю, тўйиб-тўйиб тутхўрлик қисак дердик. Ўша йиллардаям ўзбегимни даласидан айланай ўт-ўлан яхши бўлиб, аллақачон молларнинг оғзи кўкка етган эди. Худога шукр қилиб, кимни сиғири кўпроқ суг берса, даррав қўшнисига илинади. Мақсадимиз: ҳеч ким кунжара еб ўлмаслиги эди. Бунинг устига ҳар биримиз уруш бўлаётган жойлардан поездда олиб келинган стим қолган балаларни фарзандликка олганмиз денг! Бу

шаб қўйиладиган бўлди.

Катта энамнинг тутлар илоҳий дарахт деб, куйиниб айтгани ёдимда бор эди. Шундай бир замонлар бўлган эканки, бандалари Аллоҳнинг борлигига исбот сўраб келганда тут



раҳати исбот бўлган экан: Кунларнинг биринчи имом Шофёсийнинг хузурига одамлар келиб, Аллоҳнинг азза ва жалла борлигига далил келтиришини талаб қилдилар. Имом Шофёсий биров фикр юритдиларда сўнг одамларга: «Тут барги Аллоҳнинг борлигига далил» дедилар. Одамлар бу гапдан таажубланди ва яна сўрай кетди:

— Тут барги қандай қилиб Аллоҳнинг борлигига исбот бўла олади? Шунда имом Шофёсий:

— Барча тут барглари-нинг мазаси бир хил, лекин уни ипак қурти еса, ипак чиқаради. Агар барглари асалари еса, асал беради. Кийик еса, хушбўй ҳидли мушк анбар чиқаради. Энди айтинглрчи, ким асосни бир хилу натижа-

ларнинг моддий манфаатдорлиги ошириб борилади.

— Жорий йилда пилладан тўрт марта ҳосил олишга бел боғлаган пиллачиларимиз аллақачон биринчи мавсумда тайёрланган 19 минг 256 тоннадан зиёд пиллани юқори навларга топширди, — дейди «Ўзбекиспансоат» уюшмаси раиси ўринбосари Олимжон Жумаев. — Бунда тут барглари ни териш технологияси қўлланилгани айни муддао бўлмоқда. Яъни биринчи мавсумда тут навлалари ёппасига кесилмасдан, барглари-гина териб олинади. Қолган куртаклардан чиқадиган барглардан кейинги мавсумда фойдаланилади. Бу пиллачилик ривожланган Хитой ва Ҳиндистон тажрибаси Ўзбекистонда ҳам ўзини оқлаётганини кўрсатади.

Юртимиз кенгликлариде кезар эканман, барча жабҳаларда меҳр пойдеворлиги кўзга ташланади. Ҳатто, шу оддий тут дарахти ҳам бизга қадрдон. Унинг марварид меваси, атласдек ялтираб турган япроқлари, саратон чилласидаги сояси... Энг муҳими, у билан боғлиқ хотиралар бор. У билан момоларимиз, боболаримизнинг ёди, эртақларга монанд кечмиши бор.

Балхи тутлар, шотутлар, марварид тутлар билан боғлиқ муқаддас хотиралар, ўзбегимнинг азиз ва шонли ўтмиши бор.

Зулфия МҶМИНОВА,
шоира

Реклама

Энди «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилаётган мақолалар ҳамда юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни bong.uz сайтида ҳам кузатиб боришингиз мумкин.

Бизни ижтимоий тармоқлардан топинг:
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>
Фейсбук: www.facebook.com/bonguznews

Тошкентда йўл-патруль хизмати ходимлари учун мобил видеокамераларни синовдан ўтказиш бошланди.

КИСКА САТРАЛДАР УҚИНИ!